



## Бу янгиланмайдиган архив саҳифа.

[Саҳифаларни архивлаштириш борасида маълумот \(инглиз тилида\)](#)

### Жиззахлик ҳуқуқ ҳимоячиси Бахтиёр Ҳамроев халқаро мукофотга номзод

Сўнги янгилаш 5 феврал 2013 - 15:57 GMT

[Facebook](#)

[Twitter](#)

[Google+](#)

[Мой Мир](#)

[Чоп қилиш](#)



Бахтиёр Ҳамроев халқининг орзуси билан яшайди.

Қароргоҳи Дублинда жойлашган Front Line Defenders ташкилоти ҳар йили хавф остидаги жойларда фаолият олиб бораётган бир ҳуқуқ ҳимоячисини инсон ҳақларини ҳимоя қилишга қўшган ҳиссаси учун тақдирлайди.

Бу йил ҳам нуфузли ҳайъат дунёнинг турли мамлакатларидан 90 дан ортиқ ҳуқуқбонларнинг номзодини кўриб чиққан.

28 январда ҳайъат мукофотнинг якуний босқичига ўтказилган олти ҳуқуқ ҳимоячисининг рўйхатини эълон қилган.

Уларнинг ичида Камбоджа, Эрон, Колумбия, Ўзбекистон Мавритания ва Кения давлатлари инсон ҳақлари ҳимоячилари бор. Номзодлари мукофотга қўйилган барча ҳуқуқ ҳимоячилари ўз мамлакатиде ҳукумат томонидан босим ва таҳдидларга дуч келишган. Улардан икkitаси - Камбоджа ва Колумбиялик ҳуқуқбонлар айна пайтда қамоқда қолаётгани айтилади.

"Ўтюралар клуби" Халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилоти бу мукофотга Ўзбекистондан Бахтиёр Ҳамроевни тавсия қилган.

Ташкилот раҳбари Мўътабар Тожибоева буни шундай изоҳлайди: " FrontLineDefenders" ташкилоти хавфли ҳудудларда фаолият олиб борадиган ҳуқуқбонлар учун мукофотга номзодларни кўра бошлаганда, мен ҳеч иккиланмасдан Бахтиёр Ҳамроевни тавсия қилдим. Бахтиёр ака соғлиги жуда оғир аҳволдалигига қарамасдан, ҳукуматнинг босим ва таъқиблари остида ўзининг ҳуқуқни ҳимоя қилишдек қийин фаолиятини давом эттирмақда".

"Шубҳасиз, бугунги кунда Ўзбек турмаларида қолаётган ўнлаб ҳуқуқ ҳимоячилари бу мукофотга лойиқдирлар. Мисол учун, бу йил ҳам амнистияга тушмаган Жаслиқдаги қамоқхонада сақланаётган Аъзам Фармонов, ўзининг фаолияти учун қамоқда қайноқ сув билан қийноқларга тутилган Аъзам Турғунов, журналист Дилмурод Сайид, уни кўришга қамоқхонага бораётган хотини ва қизи йўлда автоҳалокатга учрашган эди, кекса журналист Солижон Абдурахмоновлар ҳар қандай юксак мукофотларга лойиқ. Мен Бахтиёр Ҳамроевни тавсия қиларканман, у ҳуқуқбонлик фаолияти тугайли орттирган саратон касаллигининг оғриқлари билан олишиб, ўз ишини давом эттираётган, халқининг манфаатлари учун курашаётган бу инсон ўз меҳнати мевасини тотиб кўришга ҳақли деб ўйладим, дейди Мўътабар Тожибоева.

Охириги 16 йилда Бахтиёр Ҳамроев ҳуқуқбонлик фаолияти билан шуғулланиб, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари жамиятининг Жиззах бўлимини бошқариб келади. Бахтиёр Ҳамроев қамоқдаги ҳуқуқ ҳимоячиларини уларнинг оила аъзолари билан боғлашда, маълумотларини бир-бирига етказишда, маҳкумларнинг қийин аҳволда қолган оилалари моддий ва ҳуқуқий ёрдам олишлари учун ўз ёрдамини бериб келмоқда.

Саратон касаллигининг сўнги босқичини бошидан кечириётганига қарамасдан, халқ манфаатларини ҳимоя қилишдан тўхтамаган Бахтиёр Ҳамроев ўзининг ҳуқуқ фаолияти ҳақида шундай дейди: "Бизнинг ҳуқуқ ҳимоячилари тарихига қарасак, уни икки даврга бўлиш мумкин. Андижон қирғинидан олдин ва кейин. Бу икки давр бир-биридан кучли фарқ қилади. Ўзбекистонда Андижон воқеаларидан олдин секин-секин кўп иш қилинганди. Афсуски, Андижон воқеасидан кейин аҳвол жуда оғирлашди".

"Ҳозир бу ерда жудаям кам, бармоқ билан санарли ҳуқуқ ҳимоячилари қолишди. Лекин улар барибир курашишмоқда. Шундай вақт келадики, адолат, ҳақиқат, ўз ватани, халқининг келажаги учун курашганларнинг орзулари албатта рўёбга чиқади. Бу менин орзум. Ҳозир соғлигим унча яхши эмас. Лекин бу кўл қовуштириб ўтиришим керак, дегани эмас. Мен курашишим керак. Менин ҳаётимда жуда оғир пайтлар бўлган, лекин тушқунликка тушмаганман. Мен аҳвол яхши томонга ўзгаришига, бизнинг орзуларимиз рўёбга чиқишига ишонаман", - дейди Жиззахлик ҳуқуқ ҳимоячиси.

[Бу ерга босинг Бош саҳифага қайтиш](#)

[Facebook](#)

[Twitter](#)

[Google+](#)

[Мой Мир](#)

[Чоп қилиш](#)

### Биз билан боғланиш

\* Тўлдириш шарт бўлган жойлар

Сизнинг муносабатингиз:

Сиз билан боғланиш учун контакт деталлари:

Этсизнинг ёзишлари ва ушбу сайтнинг деталлари:

Исм-шариф:  Шаҳар:  Email: \*  Телефон:

Сизнинг номангиз:

Шарҳ \* (Кўпи билан 500 белги)

Рад этиш:

Мен дастур тайёрловчиларнинг мен билан боғланишларига розиман

### Ушбу мавзуга оид кўпроқ материаллар

#### Яна ушбу мавзуга оид

[Хюман Райтс Уотч янги ҳисоботи: 'Гувоҳлик берадиганлар қолмаган'](#)

13.12.11

[Инсон ҳуқуқлари](#)

[Халқаро ташкилот ўзбек фаолини қамоқдан озод қилишни талаб этди](#)

14.08.10

['Ислом Каримов мени ва ўғлимни отиб ташлай қолсин'](#)

24.05.12

[Мардикорларни ёқлаган ҳуқуқбонларга йирик миқдорда жарима белгиланган](#)

24.09.12

[Марказий Осиё](#)

[Ўзбекистон: Таниқли ёзувчи Мамадали Маҳмудовнинг соғлиғи ёмонлашган](#)

24.11.12

[Ўзбекистон](#)

[Мухолифат фаоли Малохат Эшонқулова хибсга олинган](#)

08.12.12

[Ўзбекистон](#)

[ХРУ: 'Андижонлик қочқинларнинг оилаларига босим давом этмоқда'](#)

04.05.10

#### Алоқадор мавзулар

[Ўзбекистон](#),

[Инсон ҳуқуқлари](#)

#### Видео ва аудио




[Туркия, Туркия - 'азамат ўлка'!](#)




[Номаълум асирлар тарихи-видео](#)

[Томоша қилиш07:29](#)



['Талаба йигит пешонамга ватан хоини деб ёзиб қўйганди'](#)

[Томоша қилиш11:41](#)



['Хуррият 2014': 'Ватандан йироқда туриб ҳам унда яшаш мумкин'](#)

[Томоша қилиш07:17](#)



[Фарб киночилари панжасига панжа ураётган ўзбек қизи](#)

[Томоша қилиш07:50](#)



[Афғонистон ўзбеклари мусиқаси Парижда](#)

[Томоша қилиш07:14](#)



[Фарғона тонг отгунча...](#) [Томоша қилиш](#)17:45



[Бу дунёнинг 'қилқўприги' қаерда?](#) [Томоша қилиш](#)01:57



[Нимага эришдик? Тунислик рэппер инқилобни савол остига олади](#) [Томоша қилиш](#)04:04



[Эркин Аъзам бугунги ўзбек адабиёти ва санъати ҳақида](#) [Томоша қилиш](#)05:20



[Икки қатағон анатомияси: Шукрулло ва М.Маҳмудов](#) [Томоша қилиш](#)18:02



[Қуръони Карим маънолари ўзбек тилига шеърий таржима қилинди](#) [Томоша қилиш](#)17:23



[М.Маҳмудов: Қамоқда мени ёзувчилигим асраб қолди](#) [Томоша қилиш](#)04:51



[Тожиклар нега Хитойга юзланишмоқда?](#) [Томоша қилиш](#)01:45




[Аёл, аҳволинг қандай? Би-би-си лойиҳаси](#) [Томоша қилиш](#)02:56



[Бойга боққан бозор ё ялтир-юлтирлар дунёси](#) [Томоша қилиш](#)02:29



[Бир миллион долларни осмондан сочишди](#) [Томоша қилиш](#)00:49



[Видео: Татуировканинг маъноси борми?](#) [Томоша қилиш](#)05:41

**Муҳаррир танлови**



[Осиё Ҳийнлари: Ғалаба онлари](#)



[Ўзбек ҳукумати четга чиққанлардан воз кечишга тайёр](#) [Тинглаш](#)11:50



[Гулнора Каримованинг вакили: Ўзбекистонда қонунлар ишламаяпти](#)



[Хомид Карзайнинг ўтган 13 йиллик бошқарув даври суратларда](#)



[Бош прокуратура: 'Г.Каримова ишининг Оврўлодаги текширувга алоқаси йўқ'](#)



[Муҳолифатчи аёли: "Мени ўзбек фуқаролигидан чиқариб юборишибди"](#)

[Тинглаш03:52](#)



[Исломий партия: 'туҳмат' кампаниясидан азиятдамиз](#)

**Би-би-си Ўзбек хизмати Интернетда**

[Би-би-си Ўзбек Facebookда](#)

[Like](#)

[Би-би-си Ўзбек Twitterда](#)

[Follow](#)

[Би-би-си Ўзбек YouTubeда](#)

[Обуна бўлинг](#)

[Би-би-си Ўзбек Мой мирда](#)

[Like](#)

[Бош саҳифа](#)

[Ўзбекистон](#)

[Минтақа](#)

[Дунё](#)

[Мултимедиа](#)

[Спорт](#)

[Фан ва Маданият](#)

[Махсус лойиҳа](#)

[Lotinda](#)

[اڧغانىستان](#)

**Хизматлар**

[RSS](#)

[Мобил Телефонлар](#)

[E-MAIL ЯНГИЛИКЛАР](#)

[Сизнинг ижодингиз](#)

**Бошқа Би-би-си сайтлари**

[BBC Russian](#)

[BBC Azeri](#)

[BBC Kyrgyz](#)

[BBC Turkish](#)

[BBC Tajik](#)